

АМИР ТЕМУР ВА ХИТОЙ ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ОБЪЕКТИВ ВА СУБЪЕКТИВ ОМИЛЛАРИ

Кенжаев Сардор Нурмурод Ўғли

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ИДТИМОЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ ЎҚИТУВЧИСИ

+998931445555 sardorkenjayevev46@gmail.com.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7316359>

Аннотация: Ушбу мақолада Хитой (Мин) давлати ва Амир Темур давлати ўртасидаги дипломатик муносабатларнинг объектив ва субъектив омиллари хусусида фикр юритилган. Шунингдек, Амир Темурнинг Хитой муносабатларида савдо ва ижтимоий соҳалар хусусида фикр юритилган

Калит сўзлар: Хитой (Мин), от, чой, сулола, дипломатия, елчи, ҳарбий юриш, шахзода, ички кураш, Улуғ юрт, вассал, пойтахт, Хоқон, Таймур.

XIV асрнинг сўнгги чораги ҳамда XV аср бошларида Хитойнинг Мин империяси ва Марказий Осиёдаги Темурийлар давлати ўртасида фаол дипломатик алоқалар йўлга қўйилган. Лекин, ушбу мавзу юзасидан тадқиқот олиб борилганда тарих фани олдида пайдо бўладиган баъзи ноаниқликлар ва чигалликлар мавжуд. Бу ноаниқликлар юзага келишининг турлича сабаблари бўлиб, ушбу омиллар баъзи ҳолларда илмий ёндашувларнинг чалкашиб, тарихий ҳақиқат чегараларидан оғишувига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Энг аввало шуни таъкидлаш жоизки, Амир Темур ва Хитой ҳукмдорлари ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўз даврида тўлалигича батафсил ёритилмаган. Манбалардаги узук-юлуқ маълумотлар эса қатъий хулосалар чиқариш учун етарли эмас. Шу билан бирга ушбу маълумотларнинг ишончлилик даражаси ҳам юқори поғоналарда турмайди. Ҳар икки томон (хитой ва мусулмон дунёси) манбаларида ҳам сарой тарихчилиги хусусиятлари юқори ўринни эгаллашини ҳисобга олиб, ушбу мавзу юзасидан манбалар билан ишлаганда, уларга танқидий нуқтайи назар билан қараш лозимлигини унутмаслик керак. Ўз даврининг сиёсий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Хитой йилномаларида ҳам, мусулмон муаррихларининг асарларида ҳам ҳукмрон сулолани улуғлаш ва рақиб томоннинг камчиликларини бўрттириб кўрсатиш ҳолатлари учраб туради. Лекин, турли тарихий манба ва адабиётларни холисона руҳда ва адолат тамойиллари асосида ўрганиш жараёнида тарихий ҳақиқатни бирмунча ёритиш мумкин.

Амир Темур билан Хитой императорлари ўртасида элчилик алоқаларининг қачон бошланганлиги хусусидаги фикрлар мавжуд тарихий адабиётларда турличадир. Масалан, баъзи олимлар Мин империяси XIV асрнинг 70 йилларидаёқ Амир Темур ҳузурига ўз элчиларини юборганлиги, бундан ғарбий мамлакатларга Хитойда янги сулола ҳукмронлигининг бошланганлиги ҳақида маълум қилиш мақсади

кўзланганлиги, бироқ, Амир Темурдан унга жавоб элчилиги жўнатилмаганлиги ҳақида фикрларни таъкидлайдилар¹. Шунингдек, француз шарқшуноси Р.Груссэ фикрича, дастлабки элчилик 1385 йилда Хитой императори Хунъу (1368-1398 йй) томонидан жўнатилган бўлиб, Хами, Турфон, Илибалиққа келган ҳамда чиғатой (аниқроғи, жета) ва дуғлат беклари ҳақида маълумот тўплаб, кейин Самарқандга йўл олган. Фу Нган (бу ерда Хитой элчиси Фу Ань назарда тутилган бўлиши мумкин) бошчилигидаги бу элчилик Самарқандда ушлаб қолиниб, узоқ музокаралардан сўнг ортига қайтишига рухсат берилган². Бу элчилик ҳақида манбалар ва бошқа тарихий адабиётларда маълумотга дуч келмадик. Аммо, ўзаро биринчи элчиликнинг Хитой томонидан юборилганлигига ишонишга асос бор. Эндигина ташкил топган Мин империясининг шимолдаги рақиблари – мўғул ва ойратларга қарши иттифоқчилар излаш зарурияти ва ғарбий мамлакатлар (Шарқий Чиғатой мўғуллари, Амир Темур давлати ва бошқалар) ҳақида маълумотлар тўплаш масаласи бунга сабаб бўла олади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, уч марта Самарқандга, уч марта Бешбалиққа жўнатилган Фу Ань элчилиги биринчи мартаба Амир Темур саройига 1395 йилда келганлиги бошқа тарихий адабиётларда кўрсатиб ўтилган³. Груссэ маълумотларида эса баъзида тарихий саналардаги чалкашлик кузатилади.

Амир Темур томонидан юборилган биринчи элчилик, Мин сулоласи тарихига оид йилномаларга кўра, 1387 йил баҳорида Хитойга етиб борган. Манбада Манъла Хафэйцзы (Мулла Ҳофиз) бошчилигидаги бу элчилик Хитой императорига 15 от ва 2 туядан иборат тухфа тақдим қилганлиги ва Мин саройида уларнинг шарафига зиёфат уюштирилганлиги эслатилади⁴. Оралиқ масофани тахмин қилган ҳолда бу гуруҳ Самарқанддан 1386 йилда жўнаган, деган хулосага келиш мумкин. Мусулмон манбаларида ҳам Хитой билан муносабатлар ҳақида илк маълумотлар айнан шу йилларда бўлганлиги ҳақидаги маълумотларга дуч келамиз. Масалан, Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома”сида 1388 йил бошларида Хитойдан келган элчилар ҳақида эслатиб ўтилган:

“Низомиддин Кошғарийким, ҳазрат (Амир Темур) Эрон сори мутаважжих бўлғонда ани Табғурхонким, Хитой подшоҳи эрди, элчиликка

¹ Rajkai Z.T. The Timurid empire and the Ming China: Theories and approaches concerning the relations of the two empires (Doktori Disszertáció). – Budapest, 2007. – P.50.

² Груссэ Р. Империя степей. Атилла, Чингиз-хан, Тамерлан. Перевод Х.Хамраева. – Алматы, 2006. – С.502.

³ Ртвеладзе Э.В. Китайские посольства ко двору Амира Темура и Темуридов // Общественные науки в Узбекистане, № 7-10. – Т.: Издательство “Фан” Академии Наук Республики Узбекистан, 1996. – С.55.

⁴ Извлечения из "Мин ши сань. Сиюй И" (Пер. и прим. К.Ш. Хафизовой) // Китайские документы и материалы по истории Восточного Туркестана, Средней Азии и Казахстана XIV-XIX вв. – Алматы: Гылым, 1994. – С.45.

йибариб эрди, келди ва қўб тансуқ нималар пешкаш қилди ва Хитой аҳволини арз қилди⁵”.

Ушбу жумлалар мазмунидан элчининг Хитой императори томонидан жўнатилганлигини тушуниб олиш қийин эмас. Аммо, “Зафарнома” изоҳларида бу воқеага Темур юборган элчиларнинг қайтиб келиши сифатида баҳо берилган⁶.

Бу ўринда Хитой ҳукмдорининг номи “Табғурхон” (“Табғачхон” – “Хитой хони”нинг бузиб талаффуз қилиниши, эҳтимол) тарзида ёзилишидан ҳали икки давлат ўртасидаги муносабатларда ҳеч қандай кескинлик юзага келмаганлигини аниқлаш мумкин. Чунки, баъзи кейинги ўринларда Хитой императори номи “Тўнғузхон” деб ҳақоратли тарзда ёзилади⁷.

Амир Темур томонидан Хитойга кейинги йилларда бир неча маротаба элчилар жўнатилганлиги тарихий адабиётларда қайта-қайта таъкидланади. Мин сулоласи тарихига оид манбалардан саналувчи “Мин ши лу” (“Мин сулоласининг ҳақиқий тарихи”) китобида 1389-1398 йилларда Хитойга Амир Темур салтанатидан тўққиз марта элчи келганлиги қайд этилган⁸. Мин сулоласи манбаларида тилга олинган Амир Темур элчилари қуйидагилар: 1387 ва 1389 йилларда икки маротаба Манъла Хафейцзы (Мулла Ҳофиз), 1388 йилда Тачжудин (Тож ад-Дин), 1391 йилда Шахали (Шохалил), 1392 йилда Нимаопудин (Ниғмат ад-Дин), 1394 ва 1395 йилларда икки марта Даэрюэши (Дарвеш) ҳамда 1396 йилда Аламаданъ (Аломат ад-Дин) бошчилигидаги элчилар гуруҳи Амир Темур номидан Хитой императори қабулида бўлганлар⁹. Лекин, шуни унутмаслик керакки, Хитой манбаларида эслатилган элчиликлар аслида савдо карвонлари бўлиши ҳам мумкин. Хитой тарихшунослигида муаллифлар томонидан император ҳузурига ташриф буюрган савдо карвонларини элчиликлар сифатида, ҳар қандай элчиларнинг (албатта, савдогарларнинг ҳам) ҳукмдорга тортиқ қилган тухфаларини эса қарам юртлардан жўнатилган ўлпон сифатида эътироф этилиши одатий ҳолдир. Масалан, элчи Мулла Ҳофиз Мин императори олдида “*Мен Самаэрханъ (Самарқанд)дан (итоатли) қулингиз, Хафэйцзы...*” тарзида ўзини

⁵ Йаздий Шарафуддин Али. Зафарнома // Сўзбоши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи ва нашрга тайёрловчилар: А.Аҳмад, Ҳ.Бобобеков; Масъул муҳаррир Б.Эшпўлатов. Нашрлар ва матбаачилар гуруҳи: И.Шоғуломов ва бошқалар. – Т.: Шарқ, 1997. – Б.118.

⁶ Ўша китоб. – Б.334, 555 изоҳ.

⁷ Ўша китоб. – Б.225. Яна қаранг: Шомий Низомиддин. Зафарнома. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.278.

⁸ Амир Темур жаҳон тарихида / Масъул муҳаррир: Ҳ.Кароматов. Муаллифлар жамоаси: С.Саидқосимов (раҳбар), А.Аҳмедов, Б.Аҳмедов ва бошқ. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри. – Т.: Шарқ, 2001. – Б.121.

⁹ Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар / Аблат Хўжаев. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – Б.199.

таништириши “тобелик” изхор этилишидан бошқа нарса эмасдек туюлади. Ўша манбада императорга отлар ёки бир неча юз дона қиличлар тақдим этган “элчилар”нинг бунинг эвазига ипак, чой, турли газламалар ва олтин буюмлар сўрашлари уларнинг аслида ҳукмдор саройига тижорат мақсадида келган савдогарлар эканлигидан далолат беради¹⁰. Амир Темур тарихи ёритилган мусулмон тарихий манбаларидан бирортасида ҳам Хитойга жўнатилган ҳеч бир расмий элчилик ҳақидаги маълумотлар тилга олинмаган. Аммо, Шоҳрух (1405-1447 йй) ҳукмронлиги даврида Хитойга юборилган Ғиёсиддан Наққошнинг саёҳат кундалиги ҳақида қимматли тарихий маълумотлар мавжуд¹¹. Биз юқорида тилга олинган элчиликларнинг Амир Темурга умуман алоқаси йўқ, деган фикрдан йироқмиз. Бу савдо миссияларининг Хитойдаги сиёсий, ижтимоий аҳволни ўрганиш учун, яъни разведка мақсадлари кўзда тутилиб, Амир Темур томонидан жўнатилганлиги эҳтимоли юқори. Аммо, марказий осиёлик баъзи савдогарлар Хитойда темурийлар саройи номидан қалбаки ҳужжатлар воситасида тижорат ишларини юритган бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун, Хитой йилномаларида тилга олинган элчиларнинг барчасини ҳам расмий элчилар сифатида эътироф этиш, бизнинг фикримизча, ҳақиқатдан бирмунча йироқ деб хулоса қилиш ҳам мумкин. Чунки, Хитой тарихига оид адабиётларда сохта “элчилар”нинг ҳам бўлганлиги келтириб ўтилган. Сабаби, элчилар императордан алоҳида совғалар олар ва савдо имтиёзларини ҳам қўлга киритардилар¹².

¹⁰ Доклады императорам дайцинской династии из иноземных и даннических стран. Б/М. Б/Г. (Пер. и прим. А.П. Колганова) // Китайские документы и материалы по истории Восточного Туркестана, Средней Азии и Казахстана XIV-XIX вв. – Алматы: Гылым, 1994. – С.24-27.

¹¹ Самарқандий Абдураззоқ. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Ж.П, Қ.1: 1405-1429 йил воқеалари. / А.Самарқандий; Масъул муҳаррирлар: А.Қаюмов, Муҳаммад Али; Ўзбекистон Республикаси ФА, Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти. — Т.: Ўзбекистон, 2008. — Б.421-452.

¹² Извлечения из "Мин ши сань. Сиюй И" (Пер. и прим. К.Ш. Хафизовой) // Китайские документы и материалы по истории Восточного Туркестана, Средней Азии и Казахстана XIV-XIX вв. – Алматы: Гылым, 1994. – С.54.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Амир Темур жаҳон тарихида / Масъул муҳаррир: Ҳ.Кароматов. Муаллифлар жамоаси: С.Саидқосимов (раҳбар), А.Аҳмедов, Б.Аҳмедов ва бошқ. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри. – Т.: Шарқ, 2001. – Б.121.
2. Доклады императорам дайцинской династии из иноземных и даннических стран. Б/М. Б/Г. (Пер. и прим. А.П. Колганова) // Китайские документы и материалы по истории Восточного Туркестана, Средней Азии и Казахстана XIV-XIX вв. – Алматы: Гылым, 1994. – С.24-27.
3. Груссэ Р. Империя степей. Аттила, Чингиз-хан, Тамерлан. Перевод Х.Хамраева. – Алматы, 2006. – С.502.
- Rajkai Z.T. The Timurid empire and the Ming China: Theories and approaches concerning the relations of the two empires (Doktori Disszertáció). – Budapest, 2007. – P.50.
4. Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар / Аблат Хўжаев. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – Б.199.
5. Извлечения из "Мин ши сань. Сиюй И" (Пер. и прим. К.Ш. Хафизовой) // Китайские документы и материалы по истории Восточного Туркестана, Средней Азии и Казахстана XIV-XIX вв. – Алматы: Гылым, 1994. – С.45.
6. Извлечения из "Мин ши сань. Сиюй И" (Пер. и прим. К.Ш. Хафизовой) // Китайские документы и материалы по истории Восточного Туркестана, Средней Азии и Казахстана XIV-XIX вв. – Алматы: Гылым, 1994. – С.54.
7. Ртвеладзе Э.В. Китайские посольства ко двору Амира Темура и Темуридов // Общественные науки в Узбекистане, № 7-10. – Т.: Издательство “Фан” Академии Наук Республики Узбекистан, 1996. – С.55.
8. Ёяздий Шарафуддин Али. Зафарнома // Сўзбоши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи ва нашрга тайёрловчилар: А.Аҳмад, Ҳ.Бобобеков; Масъул муҳаррир Б.Эшпўлатов. Нашрлар ва матбаачилар гуруҳи: И.Шоғуломов ва бошқалар. – Т.: Шарқ, 1997. – Б.118.
9. Самарқандий Абдураззоқ. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Ж.II, Қ.1: 1405-1429 йил воқеалари. / А.Самарқандий; Масъул муҳаррирлар: А.Қаюмов, Муҳаммад Али; Ўзбекистон Республикаси ФА, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти. — Т.: Ўзбекистон, 2008. — Б.421-452.
10. Kenjaev, S. N. o'g'li. (2022). Amir Temurning Xitoy bilan munosabatlari va Tayzi o'g'lon faoliyati. *Science and Education*, 3(5), 1493-1497. Retrieved from <https://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/3603>

11.Sardor Nurmurodovich Kenjayev, Komron Mahmud o'g'li Zayniev.[Amir Temur davlati va Xitoy Min sulolasi aloqalarida otlar savdosi xususida](#). Vol. 3 No. (2022): Science and Education.634-639.

12.Жасур Латипов, Сардор Кенжаев / Елюй Чуцай: Мўғуллар империясининг буюк мутафаккири [Матн] : рисола / Ж.Латипов, С.Кенжаев.- Бухоро: “БУХОРО ДЕТЕРМИНАНТИ”МЧЖнинг Камолот нашриёти, 2022-48 б.

13.Кенжаев С.Амир Темур ва Хитой давлати ўртасидаги ҳарбий муносабатлар ўзаро тўқнашув хавфининг вужудга келиши // ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ, 2022. № 1/9. – Б.18.

14.Сардор Кенжаев. АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИ ВА ХИТОЙ (МИН) ИМПЕРИЯСИ ЎРТАСИДАГИ САВДО АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН // ЎТМИШГА НАЗАР, 4 ЖИЛД, 10 СОН. – Б.67.